

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 10-IYUN ■ PAYSANBA ■ 70 (27.245) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

ТИНЧЛИК ПОСЪОНЛАРИ, ЮРТ ҚАЛҚОНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН ТОШКЕНТ ОЛИЙ ҲАРБИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИДА НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Ватан ҳимоячилари, юрт таянчлари бўлган ҳарбийлар ҳузурда учрашувлар ўтказиш, армия ва халқ бирлиги борасидаги амалий ишларни янада жонлантириш мақсадида мавжуд бўлган барча сиёсий кучларнинг ягона мақсади. Бу жаҳда кимдир фаолроқ ҳаракат қилаётган бўлса, бошқалар ҳам улардан қолишмасликка интилишмоқда.

Шу ўринда ЎзХДП жорий йилда режалаштирган тадбирларида ҳарбийлар билан бўлиб ўтадиган учрашувларга алоҳида ўрин ажратилганини таъкидлаш зарур. Бунинг исботи сифатида бир қатор мулоқотларни келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошида бешта олий ҳарбий билим юрлари мавжуд бўлиб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти уларнинг бош бўлими ҳисобланади. Бу ерда учта йўналиш бўйича — мотоқўшиқ ҳамда ҳарбий разведка бўлинмалари командирлари, шунингдек командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари тайёрланади. Ҳар учала соҳа бўйича тайёрланган мутахассислар мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга юборилади. Кейинги вақтларда ҳарбийларнинг сиёсий, маънавий билимини янада ошириш, буюқ боларимиз мероси билан яқиндан таништириш, уларда ватанга бўлган муҳаббат, миллат шон-шуврати йўлида фидойилик кўрсатиш туйғуларини уйғотиш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда.

Бугунги кунда Олий ҳарбий билим юрти курсантлари орасида ўз билими билан тенгдошларига ўрнатилган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Кичик сержант Шохжон Ҳакимов, Шухрат Тўйчиев, курсант Ҳикматилло Мухиддинов, сержант Обид Имомовлар аъло ўқиши, намунали хулқи билан хизматдошлари орасида ажралиб туришди.

Билим юртида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, ҳарбий соҳа сирларини ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бугунги ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти классикалари асарлари жамланган кутубхона мавжуд. Мамлакатимизда чоп этилаётган турли нашрларга обуна этилган. Мақсад юрт учун жисмонан соғлом, маънан баркамол ёшларни тарбиялаш.

Бўлғуси ҳарбийлар бўлган учрашувда ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.И. Рустамов, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Олий Мажлис қўмиталари раиси ва ўринбосари Маш-

қура Сафоёва, Ойниса Мусурмонова, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидовалар билим юрти офицер ва курсантлари билан жонли мулоқот ўтказдилар. Биринчи бўлиб сўзга чиққан

сирларини ўрганишининг, балки маънавий оламинингизни ҳам бойитиб боришининг зарур.

Шундан сўнг ўқилган шеър йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Шоир ўз китобларига дасдаҳат ёзиб курсантларга тақдим этди.

Учрашувдан қўзланган асосий мақсад — Олий Мажлис XIV сессияси яқунлари ва унда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, ёш ҳарбийларнинг сиёсий билимини ошириш, ижтимоий фаоллигини юксалтириш ҳамда ЎзХДП дастурий максдаларини уларга етказишдир. Шунингдек, ҳарбийларга

жорий йилнинг охирида бўлиб ўтадиган сайловлар, икки палатали парламент тизимининг афзалликлари ҳақида маълумотлар берилди.

Йиғилишда республика мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннолжон Аҳмедов, билим юрти бошлиғи генерал-майор Қобил Бердиев, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов иштирок этдилар.

Фаррух ҲАМРОЕВ
Суратларда:
учрашувдан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар



қура Сафоёва, Ойниса Мусурмонова, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидовалар билим юрти офицер ва курсантлари билан жонли мулоқот ўтказдилар. Биринчи бўлиб сўзга чиққан



жорий йилнинг охирида бўлиб ўтадиган сайловлар, икки палатали парламент тизимининг афзалликлари ҳақида маълумотлар берилди.

Йиғилишда республика мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннолжон Аҳмедов, билим юрти бошлиғи генерал-майор Қобил Бердиев, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов иштирок этдилар.

Фаррух ҲАМРОЕВ
Суратларда:
учрашувдан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар



халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов ёшларга мурожаат қилар экан, жумладан шундай деди: — Президентимиз, Қуролли Кучларимиз олий бош қўмондонни Ислам Каримов янги армиямиз ижодкоридир. Биз байроғимиз, гербимиз билан фахрланганимиздек, Мустақил Ўзбекистон Республикаси армияси билан ҳам яқин равишда фахрланамиз. Сизлар нафақат ҳарбий билим

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН ФУҚАРОЛАРИМИЗГА ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олиши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиш Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътиборида. Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 10 мартда қабул қилган «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навабдаги чакирув тўғрисида»-ги қарор бунинг яна бир тасдиғидир.

Ушбу қарор талабларини бажариш йўлида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларимизни олий таълим муассасаларига

ўқишга кириши учун сифатли тайёрлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, вазирлик шу мақсадда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида ушбу тоифадаги абитуриентлар учун 7 июндан 28 июлгача фаолият кўрсатувчи бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ЎзА муҳбирига маълум қилишларича, ушбу курслар таълим йўналишлари бўйича тест синовларига киритилган тегишли фаюлар мажмуасига мос равишда уюштирилган.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар танлаган таълим йўналишлари жойлардаги олий таълим му-

ассасаларида мавжуд бўлиши ёки бўлмағлигини қатъий назар, уларга ўзлари танлаган таълим йўналишига мувофиқ келувчи фаюлардан машғулотлар ўтилади.

Махсус тайёрлов курсларига ўқишга кирган ва ётоқхонага муҳтож бўлган тингловчиларга олий таълим муассасаларининг «Талабалар уйи»-дан жой ажратилади ва тегишли кулайликлар яратиб берилади.

Махсус тайёрлов курслари тингловчиларига фаюлардан қўшимча мустақил тайёргарлик кўришлари учун олий таълим муассасалари кутубхоналаридан фойдаланишга ҳам рухсат этилади.

(ЎзА)

ҒАЛЛА — 2004 ШАРТНОМАВИЙ РЕЖА УДДАЛАНДИ

Сариосиё тумани ғаллакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш йиллик шартномавий режани бажардилар. Давлат қабул пунктларига 7 минг 700 тоннадан ортқ сарадон етказиб берилди. Баракали хирмонга Искандар Диборо, Сафар Кассиров, Охунбобоев номли, «Дашнобод», «Сўфийна» ширкат хўжаликлари ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшишди.

— 4850 гектардан ортқ майдонда экилган «Крошка», «Паловчанка», «Княжная», «Чиллаки» навларидан юқори ҳосил олдик, — деди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Парда Мадиев.

Сариосиёлик дехқонлар мавсумда 2 минг тоннага яқин сара уруғлик дон тайёрлашни ҳам мақсад қилиб қўйганлар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshnmbm.uz E-mail: info@tshnmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz

ХАЛҚ БАНКИ
—
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
9 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ
«РОССИЯ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
ПРЕЗИДЕНТИ ГЕННАДИЙ ФАДЕЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Россия темир йўли соҳасида фаол ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини, икки томон ҳам алоқаларни ўзаро манфаатдорлик асосида янада ривожлантириш йўлида изчил ҳаракат қилаётганини таъкидлади.

Хозирги замон, дунёда вужудга келган ваъият транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни, мамлакатлар ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни ҳар томонлама тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ва Россиянинг жуғрофий жойлашуви нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим стратегик аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатларимиз бошқа йўналишлар қатори темир йўли соҳасида ҳам

фаол ҳамкорлик қилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки беш ойида Ўзбекистондан Россияга 212,8 минг тонна, Россиядан юртимизга 465,2 минг тонна юк ташилди.

Транзит юкларни ташийишда, вагонларни қуриш ва таъмирлашда ҳам Ўзбекистон ва Россия темирйўлчилари ҳамкорлик қўламини оширомоқда. Ўзбекистондан Россиянинг турли минтақаларига 6 йўловчи ташийиш поевзди қатнайди.

Келгусидаги вазибалар сирасига эса ўзаро маъқул ва мақбул тариф сиёсатини юритиш орқали юк ташийиш ҳажмини ошириш учун қўлай шароит яратиш, янги темир йўли линияларининг транзит имкониятларини ишга солган ҳолда транспорт йўлак-

ларини кенгайтириш, учинчи мамлакатлар, хусусан, Афғонистон ҳудудида янги темир йўллари барпо этишни кириштириш мумкин.

Г.Фадеев МДХ мамлакатлари Темир йўл транспорт буйича кенгашининг Тошкентда ўтаётган 38-мажлисида қатнашиш учун келган. Мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қўламини кенгайтиришда темирйўлчиларнинг ҳам ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади таъкидланди. Бу борада янги имкониятларни топиш ва ишга солишга оид масалалар муҳокама этилди.

ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ 38-МАЖЛИСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Азиз меҳмонлар! Сиз, темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг навабдаги мажлиси қатнашчиларини Ўзбекистон заминида самимий табриклаш менга гоят катта мамнуният бахш этади.

Маълумки, Марказий Осиёда муҳим геостратегик ўрин эгаллаган бизнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали қадим замонлардан Буюк ипак йўли ўтган, бу ерда кўпдан-кўп савдо йўллари туташган ва бу жаҳон халқлари маданиятларининг жадал суръатларда бир-бирини ўзаро бойитишга хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам Шарқдан Фарбга, Жанубдан Шимолга олиб борадиган транспорт магистраллари шу ерда кесишади.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар мавжуд магистраллардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, йирик халқаро бозорларни туташтирадиган янги, самарали йўналишларни очиб ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навабида, давлатларимизнинг узок муддатли навабларига мос келадиган ҳамда табиий ва минерал-хомашё захираларининг бой манбаларидан

кең қўламада фойдаланиш имконини беради. Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш иқтисодийни жўшқин ва барқарор тараққий эттириш қафолати бўлиб хизмат қилади, халқларимиз ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим замин бўлади.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш мажлиси муҳокамасига қўйилган масалалар айнан шу нуқтаи назардан долзарб ва ҳаётий аҳамиятга эга. Уларни муваффақиятли ҳал этиш темир йўл қатнови тизимини тақомиллаштиришга катта ҳисса қўйишига шубҳа йўқ.

Мен Кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтаётган мазкур мажлиси давлатларимиз ўртасида ўзаро навабати ҳамкорликни кенгайтириш ва интеграция жараёнларини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади, деб қатъий ишонаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ҲАРАКАТДА

Июнь ойининг ўртасида Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навабдаги йиғилиши бўлиб ўтди. ШХТнинг ушбу саммити ташкилот ҳаётидаги қатор муҳим саналарга тўғри келаяпти.

Биринчидан, ташкилотга асос солиналганининг уч йиллик айёми нишонланади — 2001 йил 15 июнь кунини Қозғонистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари Шанхайда ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияни имзолаган эдилар. Тошкент саммити мамлакатимизнинг ШХТга йиллик раислик муддатига яқин аъзойи — мутахассисларнинг фикрича, шу вақт домида ташкилот фаолиятининг жонлини кузатилади. Ва ниҳоят, Тошкент саммити доирасида ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ) расмий очилиш маросими бўлиб ўтади.

Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти нимадан иборат бўлади — биз мазкур тузилма ижроия қўмитаси директори Вячеслав Қосимовга шу савол билан мурожаат қилдик.

— ШХТнинг Шанхайда бўлиб ўтган биринчи саммитида ташкилотнинг иккита ишчи органи — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Утган йили Москва саммитида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси қароргоҳини Ўзбекистон пойтахтида очибга келиши олинди. Қисқа муддат ичида ушбу қарор ижросининг ҳуқуқий асослари яратилди ва махсус бино ажратилиб, у энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Утган йилнинг биринчи ноябринда тузилма техник қўриқдан ўтди ва шу йил январдан тўлақонли фаолият юрти бошлади.

— Вячеслав Темирович, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таркиби, унда фаолият кўрсатаётган ҳодимлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгаш ва ижроқўмдан ташкил топган. Кенгашга олти давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган ва хозирга қадар унинг иккита йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроқўм таркибида ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига муовин ШХТга аъзо барча давлатларнинг вакиллари ишлайди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмасига раҳбарлик аъзо давлатлар ўртасида алмашиб турилади. Масалан, ҳозир кенгашга Қирғизистон вакили, ижроқўмга эса Ўзбекистон вакили етакчилик қилмоқда.

— Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига қандай вазибалар юклатилган ва уларни қай тарзда амалга ошириш режалаштирилмоқда?

— Мақсад ва вазибалар ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларация, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси ва бошқа ҳужжатларда қайд этилган. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгаши томонидан 2004-2006 йиллар учун тасдиқланган ҳамкорлик режасида ушбу вазибалар ўз ифодасини топади.

Март ойида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов МАТТ қароргоҳига ташриф буориб, тузилма зиммасига юкланган асосий вазибалар ШХТ давлатларининг терроризм ва бошқа хужжатларга қарши курашдаги яқил муносабатини ишлаб чиқишдан иборат эканига эътиборни қаратди.

Тузилма фаолиятидаги асосий йўналишларга тўхталиб ўтаман. Биринчи йўналиш — бу ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, террорчилик, экстремистик ва айирмачилик фаолиятига алоқадор шахсларнинг қидирувида, гнхеванд моддалар савдоси ва халқаро террорчиликни молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаётган бошқа жоний унсурларга қарши курашда ердан кўрсатишдан иборат. Шунингдек, маъсул мутахассисларни тайёрлашдаги кўмак шу туркумдаги вазибалар сирасига қиради.

Иккинчи йўналиш ахборот-таҳлилий фаолиятдан иборат бўлиб, унга қўра ҳаммасларнинг амалий фаолиятида фойдаланиладиган, минтақаддаги жараёнларни чуқур тушуниш, уларга тўғри баҳо бериш ва аниқ башоратлар қилишга имкон яратадиган маълумотлар манбаи барпо этилади.

Ва ниҳоят, халқаро-ҳуқуқий йўналиш МАТТ фаолиятининг узвий қисмига айланмоғи даркор. Доимий мулоқотлар нафақат ШХТ доирасида, балки БМТ, ЕХХТ, АСЕАН, ЕИ сингари халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан ҳам олиб борилиши зарур. Биз БМТнинг гнхеванд моддалар ва жонийчиликка қарши бошқармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганимиз, Ўзбекистон вакили Венада бўлиб ўтган ЕХХТнинг террорчиликка қарши кураш мавзусига доир семинарида иштирок этди.

Хозир бўлажак фаолиятимиз самардорлигини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи муҳим ва масъулиятли босқич ниҳосига етмоқда. Тегишли миллий идораларнинг ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос барпо этилди, махсус хизматларнинг ҳужжат олиш, зурр ахборот алмасув тартиблари ишлаб чиқилмоқда. Бу аср таҳдидларига қарши ҳамжиҳатли ва самарали курашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнги йиллар фокаллари халқаро терроризмининг мамлакатларимиз ва халқларимизга, бутун жаҳонга тудирётган хавф-хатарини яққол намоён этди. Террорчиларнинг хуружлари жавд беришининг ўзи етарли эмас. Ташаббусни қўлга олиш, халқаро жоний гуруҳларга қарши хужумга ўтиш, уларнинг илдизлари ва молиявий манбаларини яқсон этиш вақти етди. Бу Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини олдида турган асосий вазибалардан биридир. Умид қиламизки, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти бу вазибаларни бажаришга хизмат қилади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.



Иккинчи йўналиш ахборот-таҳлилий фаолиятдан иборат бўлиб, унга қўра ҳаммасларнинг амалий фаолиятида фойдаланиладиган, минтақаддаги жараёнларни чуқур тушуниш, уларга тўғри баҳо бериш ва аниқ башоратлар қилишга имкон яратадиган маълумотлар манбаи барпо этилади.

Ва ниҳоят, халқаро-ҳуқуқий йўналиш МАТТ фаолиятининг узвий қисмига айланмоғи даркор. Доимий мулоқотлар нафақат ШХТ доирасида, балки БМТ, ЕХХТ, АСЕАН, ЕИ сингари халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан ҳам олиб борилиши зарур. Биз БМТнинг гнхеванд моддалар ва жонийчиликка қарши бошқармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганимиз, Ўзбекистон вакили Венада бўлиб ўтган ЕХХТнинг террорчиликка қарши кураш мавзусига доир семинарида иштирок этди.

Хозир бўлажак фаолиятимиз самардорлигини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи муҳим ва масъулиятли босқич ниҳосига етмоқда. Тегишли миллий идораларнинг ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос барпо этилди, махсус хизматларнинг ҳужжат олиш, зурр ахборот алмасув тартиблари ишлаб чиқилмоқда. Бу аср таҳдидларига қарши ҳамжиҳатли ва самарали курашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнги йиллар фокаллари халқаро терроризмининг мамлакатларимиз ва халқларимизга, бутун жаҳонга тудирётган хавф-хатарини яққол намоён этди. Террорчиларнинг хуружлари жавд беришининг ўзи етарли эмас. Ташаббусни қўлга олиш, халқаро жоний гуруҳларга қарши хужумга ўтиш, уларнинг илдизлари ва молиявий манбаларини яқсон этиш вақти етди. Бу Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини олдида турган асосий вазибалардан биридир. Умид қиламизки, ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти бу вазибаларни бажаришга хизмат қилади.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.

Мулоҳаза

Кечаги кун хотирасида яхши қолмаган ёшлар ёки яқин ўтмишда спортчиларимиз ҳаққуки, имконияти, турмуши қандай аҳволда бўлганини билмаган кишилар бу қарорни шундай бўлиши керакдек, табиий бир ҳолдек қабул қилишлари мумкин.

Собик иттифок номидан катта-катта мусобақаларда, олимпия ўйинларида қатнашиб ёшлиги ўтганлар бу қарор моҳияти, қадрини, спортчилар ҳаётида тутган ўрнини яхши билишади.

Жаҳон чемпионати, Олимпиада ўйинлари ғолиби ёки совриндори бўлиш осон иш эмас албатта. Миллионлаб спортчилар орасидан санокли истеъдодларгагина насиб этакдан галаба, бахт бу. Лекин, бунгача спортчи кўплаб машаққатли синовлардан ўтади, бутун ёшлиги, куч-қувватини сарфлайди, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан жараҳатларга бардош беришига тўғри келади. Спортчи вақти-соати етиб, ёки жараҳатлар оқибатида саломатлигини йўқотиб шоҳсупадан тушса, спортдан кетса турмуши, тақдирини нима бўлади? Шон-шухрати, иззат-ҳурмати ўзи билан бериб қолади, албатта. Аммо шахсий ҳаёти-чи, турмуши-чи? Ойла тебратиш, бола-чақани боқиши?

Собик иттифок даврида, ўзи-

ни энг инсонпарвар ҳисоблаб дунёга айюханосан солган «социализм» деб аталган тузум пайтида бу саволлар энг оғир, энг оғрикли саволлар ҳисобланарди. Чунки, собиқ чемпи-онлар худди кўпқарига ярамай қолган отдек жамоадан чиқариб ташланар ва унутиларди. Собиқ чемпион, кўлида ме-

Олимпиадасида қумуш медаль учун — 3 минг рубль берилган. Қарорни ўқигач, волейбол бўйича икки қарра Олимпия чемпиони бўлиш осон эмас. Олтин медаль учун менга 5000 рубль беришганди. Бу пулга ўша пайтда эскирок бир «Жигули» олиш мумкин эди. Хозирчи? Ҳисоблаб кўринг, 100.000 долларга унта янги «Нексия» беради. Ёки 3 хонали қанча

— У пайтда спортчининг қадри йўқ эди. Биласиз, Олимпия чемпиони бўлиш осон эмас. Олтин медаль учун менга 5000 рубль беришганди. Бу пулга ўша пайтда эскирок бир «Жигули» олиш мумкин эди. Хозирчи? Ҳисоблаб кўринг, 100.000 долларга унта янги «Нексия» беради. Ёки 3 хонали қанча

қарагандай қараш, ёки ҳадеб ватанпарварликни талаб қилиб, ҳаётини эҳтиёжларини ҳисобга олмасликдек бир томонлама, номаъқул одағга баҳрам берилди. Бугунги кунда спортнинг аҳамияти, моҳияти, спортчи тақдирига мутлақо янги қаралмоқда. Спортчилар миллий қаҳрамон, Ватан иф-

Афинада ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига қизин тайёргарлик кетаётган бир пайтда эълон қилинган бу қарор ҳукумат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътироф ва қадрининг янги бир намунаси сифатида нафақат спортчию мураббийларимизни, айна чоғда барча спорт

қуриш, тўй қилиш, мулк сотиб олиш ёки бизнес ишларини йўлга қўйиш мумкин. Яъни, спортчининг келажаги моддий жиҳатдан таъминланди, ижтимоий ҳимоя қилинди дегани бу. Яна бир гап: бошқаларда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги мукофот жамғармаси билан ҳам

Улар майдонга чиққанларида аввало, Ватан, миллат шаънини ҳимоя этаётганликларини яхши билишади. «Ўзбекистон!» деган сўз янграшдан, байроқимиз хилпирашдан куч олишади. Улар майдонга «Ўзбекистон» деган ном билан чиққан гурурланишади. Улар беллашувлар олдида Самарқанду Бухоро ва Хиванинг мағрур минораларини, Шаҳрисабзу Оксаройини... ўзлари тугилиб, ўсган гўшани кўз ўнгиларидан ўтказишади ва ана шу азиз, бетақрор юрт ҳаққи-хурмати учун курашишади.

Бундан саккиз йил муқаддам — 1996 йили илк бора мустақил мамлакат спортчилари сифатида Атлантада ўтган Олимпия ўйинларига жўнаб кетди олдидан олимпиячиларимизни Юртбошимиз қабул қилган пайтда дэюдочи Алишер Мухторов шундай деган эди: — Спорт кийимларимиз кўксиданга байроқимиз акси бизнинг юрагимизга туширилган. Биз ана шу байроқни баланд кўтариш учун бор кучимизни сарфлаймиз.

Бугунгача Афина Олимпиадасига йўлланма олган 67 нафар спортчимиз, йўлланма учун курашни давом эттираётган бошқа спортчиларимиз учун ҳам Ватан байроғи уларнинг қалбларида хилпираб турибди. Бу байроқ, уларга куч-гайрат ва матонат бағишлайди, галабага ундайди.


Сафар ОСТОНОВ

ҚАДР-ҚИММАТ ВА ЭЪТИРОФ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУКУМАТИНИНГ АФИНАДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШINI ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИНИ ЎҚИБ, ҲАЁЛДАН КЕЧГАН ЎЙЛАР

далларидан, эсдалик совғаларидан бошқа ҳеч вақоси йўқ чемпион, ижтимоий ҳимоясиз қолган чемпион оила, турмуш муаммоларига дуч келиб, кўни-қолмай, ўзини ўнглаб ололмай йўлини йўқотарди, айримлари жинойий гуруҳлар таъсирига тушиб қоларди, хор-зор бўларди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, 1974 йилда Руфат Рискиев Куба пойтахти Гаванада ўтган жаҳон чемпионатида бармоқлари синиб, кўли шишиб кетганига қарамай жасорат ва матонат кўрсатиб, ғолиб бўлиб қайтган, суҳбат орасида қанча мукофот олганини сўраганим. Биласизми қанча? Атиги 1,5 минг рубль. Бунга зўрға битта эски «Запорожец» олса бўларди. 1996 йили эса Монреаль



ёзишган. Бундан «бездетний» ва «подорожд» солиги олинган, — деди у. — Хозирги спортчиларга ҳавасим келади. Улар бахтли одамлар... Ҳукумати-миз, Президентимиз спортчилар меҳнатини юксак даражада қадрламоқда.

Москвада ўтган Олимпиада чемпиони Лариса Павловага ҳам кўнгинок қилдим. квартира беради... Эътибор берган бўлсангиз, иккала спортчимиз ҳам қадр ҳақида гапираяпти. Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақил бўлгангача спортчиларимиз ҳам қадр топилди. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашнинг янги-янги чоралари қўрилмоқда. Энг муҳими, уларга робот-

тихори сифатида қадрланмоқда, тақдирланмоқда. Нафақат бугунги чемпионлар, хатто Руфат Рискиев, Вера Дуонова, Лариса Павлова, Биродар Абдураимов, Эркин Каримов, Комилжан Юсупов сингари фахрий спортчиларимиз ҳам буюк хизматлари учун айна мустақиллик йиллари тақдирландилар, қадр топдилар.

муҳлисларини ҳам қувонтириб юборди, деб ўйлайман. Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя этган олимпия чемпиони — 100 000, қумуш медаль учун — 50 000, бронза медали учун — 25.000 АҚШ доллари! Бундай мукофот илгари замондан бу туйғу яшнаб турганини асослаш учун кўплаб ҳаётини мисоллар келтириш мумкин.

қизиқиб кўрдим. Қаранг, Россия ва Украинадек давлатлар ҳам олтин медаль учун 50 000 АҚШ доллари ажратибди.

Спортчининг галабаси фақат мукофотга болғимки, деган саволга ўрин қолмаслиги учун айтиш керакки, мукофот — бу эътироф этиш, рағбатлантириш, қадрлаш, ижтимоий ҳимоя. Буни англаган спортчи эртанги кундан кўнгли тўқ ҳолда ҳаёли бўлинмай шуғулланади, тайёрланади, маҳоратини оширади. Галабани таъминловчи иккинчи, энг асосий омил — бу ватанпарварлик туйғуси, албатта. Олимпиячиларимизнинг ҳар бири кўксидан бу туйғу яшнаб турганини асослаш учун кўплаб ҳаётини мисоллар келтириш мумкин.

Муносабат

Хозирги вақтга келиб сиёсий партиялар анча фаоллашиб қолди. Матбуотда улар фаолияти билан болғик кўплаб мақолалар, хабар ва лавҳалар кетма-кет эълон қилинмоқда. Бу албатта, яхши. Эеро, кишилар улар орқали ҳар бир партиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид амалга ошираётган ишларидан чуқурроқ хабардор бўлади. Мақола, хабар ва лавҳалар ҳолис, ҳаққоний бўлса, нур устига аъло нур.

даги 22-сонидан ноҳолис ахборот берилди. Газета муҳбири Сайфулла Икромов семинар-тренингда иштирок этган «Қашқадарё» ва «Қашқадарё» газеталари бош муҳаррири Бўри Норқобилов (Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши аъзоси, қолаверса, бош муҳаррир бўлганга қадар бир неча йиллар давомида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ижтимоий-сиёсий маркази раҳбари бўлиб ишлаганининг маърузасида билдирилган фикрларини сохталаштириб баён этган. У шундай ёзди: «Бугунги кунда вилоятда

ҳам борки, улар сайловдан бир ой олдин ўзларини кўрсатиб қолишади. Ўтган сайловларда биз ҳар бир партия учун газетамиздан бир хилда жой ажратдик. Ачинарлиси шуки, сайловолди ташвиқоти даврида айрим партия кенгашлари ажратилган жойга яраша ўз номзодларининг таржimai ҳоли, амалга оширган ишлари хусусида тузукроқ маълумот бера олмадилар. Умид қиламанки, бу йил ўтадиган сайловда кенгашлар масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратишади.


Энг қизиғи шундаки, ушбу сўзларни ўқиб «муаллиф»нинг ўзи — Бўри Норқобилов ёқа ушлади: — Биринчидан, — деди у, — мен бунақанги фикрларни ўз нутқимда билдирганим йўқ, иккинчидан, менинг либералларнинг хайрия тadbирларини санашга вақтим йўқ. Мақолада берилган «...ўтган сайловлар билан болғик масалалар» ҳақиқатдан ҳам менинг фикрларимдан олинган. Аммо, мақола аввалидаги менинг «сўзим» деб берилаётган жумлалардан қандай мақсад кўзлангани менга қоронғу.

Ҳўш, бунга жаноб муҳбир нима деркин? Мақсад, ноҳолис, номуносиб йўллар билан обрў орттириши ёки бунинг бошқа сабаблари борми? Музоффар ТУРОПОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши котиби

Ёнилғи-энергетика базасининг таянч устунлари

ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

МУБОРАК ГАЗЧИЛАРИНИНГ БУГУНГИ МЕҲНАТИ ҲАҚИДА



айтганларидай, «бугунги кунда республикамиз бўйича қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтининг 92 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Қўқдумалоқ

нефть қони ва бошқа иншоотлар мамлакатимизнинг асосий ёнилғи-энергетика базасини ташкил этади». Йилгига 25 миллиард кубометр газни қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхонада бугун 2000 нафардан зиёд маҳаллий мутахассислар меҳнат қилишапти. Улар мураккаб техника ва механизмларни моҳирлик билан бошқариб, том маънодаги гигант санаят мажмуининг бир маромда, бетўхтов ишлаб туришини таъминлашмоқда.

МАҚСАД НИМА ЎЗИ?

Мақсадга ўтиб қўя қолай. Яқинда Фўқаролик жамиятини ўрганиш институти Қашқадарё филиали томонидан семинар-тренинг ўтказилди. Унда бизнинг партияимиз фаоллари ҳамда бошқа сиёсий партиялар вакиллари қатнашдилар. Семинар-тренинг кун тартибидан белгилангандек унда иштирок этаётган ҳар бир сиёсий партияларнинг ахборот кенгашлари раҳбарлари ахборот бердилар.

5 та партиянинг кенгашлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Қашқадарё» газетаси бош муҳаррири Бўри Норқобилов. — Либерал-демократик партияни ҳисобга олмасак, бошқа кенгашларнинг фаолиги мутлақо сезилмапти. Гарчи ташкил этилганига эндигина беш ой вақт бўлган бўлса-да, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан йиғирмага яқин хайрия тadbирлари, семинар-тренинг ва йиғилишлар ўтказилди. Деярли, ҳар ҳафтада либералларнинг бир-бир тadbирига таклиф этишади. Аммо вилоятда шундай партия кенгашлари

Муборак газни қайта ишлаш заводи мамлакатимиздагина эмас, балки Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатлари орасида ҳам ўзига яраша маънага эга йирик санаят корхоналаридан саналади. 1971 йилда ишга туширилган корхона мустақиллик йилларида айниқса кенгайди ва унинг ишлаб чиқариш қувватлари тез суръатлар билан ортди. Ҳар бири 1,5 миллиард кубометр газни тозалаб берувчи учта, ҳар қайсиси 2 миллиард кубометр газ тозалаш қувватига эга иккита ҳамда 2,25 миллиард кубометр газ тозаловчи битта янги блокларнинг ишга туширилиши нафақат корхона ҳаётида, балки мустақил Ўзбекистонимизнинг ёнилғи-энергетика тизими тараққиётида ҳам муҳим воқеа бўлди.

Шу билан биргаликда бу ерда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 183 минг тоннага тенг бўлган олтингургурт ишлаб чиқариш блокларнинг тўртинчи навбати ҳам фойдаланишга топширилди. Унинг таркибига газни олтингургуртдан тозаловчи хорижий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган олтига ва олтингургурт ишлаб чиқарувчи иккита блокдан ташқари суьултирилган газ олиш ҳамда бир йўла газ конденсатини барқарорлаштириш қурилмаси ҳам кирди. Бу қурилма йилгига 745,2 минг тонна товар ҳолидаги газ конденсати ва 17,2 минг тонна суьултирилган газ бера олади.



«Биз ҳеч кимдан кам эмасимиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган сўзлари ёдга тушади. Иброҳим ЖОНУЗҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Ҳисобот-сайловлар

ТАЛАБЧАНЛИК ВА ҚАТЪИЙЛИК РУҲИДА

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида партия конференцияси бўлиб ўтди. Партия ташкилоти котиби Г.Исломов маърузасида ва сўзга чиққанлар нутқларида мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ўтаётган жараёнлар партия фаолиятини жонлантиришига яхши шароит яратаятганлигини қайд этилди. Улар корхонада амалга оширилаётган ислохотлар, баъзи ҳолларда учраётган камчилик ва тўсиқларни енгиш чора-

тadbирлари тўғрисида ҳам фикрлашдилар. Корхона бош директори, Олий Мажлис депутати В.Кучеров конференция иштирокчилари эътиборига ишлаб чиқариш ҳажмлари ва товар маҳсулотлари экспортини кенгайтириш дастурини ҳавола қилди. У жорий йил дастурини амалга ошириш учун қўшимча 2500 нафардан ортқ ишчи ва мутахассисларни жалб этиш зарурлигини қайд этди. Конференцияда Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов сўзга чикди.

ҲАР БИР ЖИҲОЗ — НОЁБ МУЛК

Маълумки, мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришга катта аҳамият берилляпти. Таълимнинг бу тизимида муҳташам қошоналар хизмат этилмоқда. Уларга катта миқдорда давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари харид қилинмоқда.

Эндики вазифа ана шу биноларнинг қадрига етиш, уларда ўрнатилган қимматбаҳо ўқув жиҳозларини асраб-авайлаб сақлаш ва улардан унумли фойдаланишдир. Бу масала яқинда, республика миқёсида атрофлича муҳокама этилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази эса ушбу масалага доир мевърий ҳужжатларни ишлаб чиқиб тегишли жойларга юборди.

Ўқув жиҳозларини қадрлаш, ноёб мулк сифатида фойдаланиш аввало, таълим муассасаларида ҳал этилади.

Яқинда Навоий вилояти касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ташкил этилиб, худуддаги барча лицейлар ва коллежларнинг раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчилари иштирокида ўтказилган услубий-амалий семинар кун тартибидан ҳам ана шу масала бош мавзу бўлди.

Мақсад битта — миллионлар эвазига келтирилган, бугун бизга, эртанга фарзандларимизга хизмат қиладиган ушбу жиҳозларни авайлаб-асраш барчамизнинг бурчимиздир.

Ойбун ОЧИЛОВА

Урганчада вилоят стандартлаш ва метрология бошқармасининг синово ва сертификатлаш маркази янги бинога кўчиб ўтди. — Илгари газ-сув ўлчагичлари стандартлари бошқа вилоятда бажариларди. Энди бу имкон ўзимизда яратилди, — дейди ви-

ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙДИ

лоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Комилжон Отажонов. — Шунингдек, автосигимларни қиёслаш, туризм ва маийий хизмат турларини сертификатлаштириш ишларини ҳам олиб бораёلمиз... Шаҳар кўригига кўч қўйган иншоотни тиклаш учун «Ўзстандарт» агентлиги икки ўзи миллион сўм миқдорда маблағ сарфлади. (Ўз муҳбиримиз)

зик хусусиятлари бўйича ундан нафақат мотор ёнилғиси, шу билан бирга пропан-бутан олтингургуртнинг ҳам ажратиб олиш мумкин бўлади. — Чўл ва ярим чўл худудлар ҳисобланадиган таркиби олтингургуртга бой Уртабўлоқ, Денгизкўл-Ховузак ҳамда таркиби кам олтингургуртли Қултак, Помуқ, Алон, Қўқдумалоқ газ қонлари корхонаимизнинг асосий хомашё базалари ҳисобланади, — дейди завод директори Ўқтам Умаров. — Биз мамлакатимиз халқ ҳўжалиги объектлари ва аҳолининг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабини қондиришдек шарафли ишга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз. Зиммамизда қандай масъулиятли вазифа турганини ҳар биримиз яхши биламиз. Дарҳақиқат, Юртбошимиз



Суратларда: корхона кўринишидан лавҳа; газни қайта ишлаш цехи оператори Яндош Эсонов; марказий диспетчерлик пунктида; янги иш кўни; лаборатория ходимлари Зиёда Жўраева билан Александра Саклаковалар иш пайтида. Шавакат АКРАМОВ олган суратлар.

Хукуқий ислоҳот

Бугунги кунда республикамиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга муҳим стратегик аҳамиятга эга масала сифатида қаралмоқда ва бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат амалга оширилмоқда.

Тан олиб айтишимиз керак, бундан бир неча йил муқаддам назорат қилувчи ва маҳаллий ҳокимият идораларининг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорликнинг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқларини поймол қилиш, хусусан, уларни асоссиз равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари кескин камайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда суд тугган ўрин муҳимдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида»ги қарори бу борада катта аҳамият касб этади.

Ушбу Пленум қароридида ишларни кўришда назорат қилувчи идоралар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

тўғрисида»-ги, «Хўжалик юртуви субъектлари фаолиятига давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунлар талабига риоя этилганлиги, жумладан, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувлар бўлмаганлиги, текши-

зилиш ҳоллари аниқланадиган бўлса, назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахсларини Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241-моддаси билан маъмурий жавобгарликка, етарли асослар аниқланган ҳолларда эса жиноий

жудлигининг ўзи тадбиркорни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмаслиги, ушбу низолаҳ фуқаролик ёки хўжалик процессуал тартибда кўриб чиқиши лозимлиги, айни пайтда бундай низолаҳни кўриш

етиштириб бериш бўйича шартномавий режасини бажара олмаган фермер ва деҳқон хўжалиги раҳбарлари ёки банкдан шартнома асосида кредит олиб уни ўз вақтида қайтара олмаган тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза

ЖКнинг 167-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиши мумкин эмаслигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 133-моддаси талабидан келиб чиқиб, агар солиқ йилгилан бож ёки бошқа мажбурий тўловларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўланган суммалар бошқа тур бўйича қасдан тўланган суммаларнинг ўрнини қопласа шахс маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Олий суд Пленуми тадбиркорларнинг жамият тарққитидаги катта аҳамиятини назарда тутиб, судларга тадбиркорларни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмасдан, уларга ахлоқ тузатиш жазосини ўз иш жойида ўтатиш белгилаш мақсадга мувофиқлиги, тадбиркорлик билан боғлиқ жиноятларни содир қилган шахслар жиноят оқибатида етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаган, айбига

ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИШ — ҲАЛОЛЛИК, ПОКЛИКДИР

ришларнинг қонуний ва белгиланган муддатларда ўтказилганлигига, қонун билан амалга киритилган «Текширишлари рўйхатга олиш китоби»га тегишли ёзувларнинг киритилганлигига судларнинг аҳамият қаратиши лозимлиги ўқтирилди.

Агарда бу борада қонун бў

жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш лозимлиги белгилаб берилди.

Пленум қарорининг аҳамияти яна шундан иборатки, унда қонунга мувофиқ тузилган шартнома шартларининг бажарилмаслиги оқибатида келиб чиққан моддий зарар (бой берилган фойда) ма

қилувчи идоралар томонидан тўғридан-тўғри жиноят иши кўзга тушиш ҳоллари қўллаб учраб эди.

Шунингдек, Пленум қароридида хусусий фирма ва корхоналар, деҳқон, фермер хўжаликлари мулкдорлари ўз мулкларини шахсий мақсадларда тасарруф қилганликлари учун

Раҳимқул ТОШБОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг судьяси

Бандлик хизмати ИЗЛАГАНГА ИШ БОРМИ? ЁХУД ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Одатда икки таниш ора-чўра кўришиб қолишса салом-алиқдан сўнг қаерда не юмуш билан бандликдан сўрашади. «Э, юригимиз, тириклигини ўтказиб...» дейди бирлари. Қайсири манзилда муқим иш билан банд бўлгани хийла юқоридан келади. Бозор-ўчарда бандларнинг эса гап оханглари бошқачарок...

Вилоятда расмий маълумотларга кўра, аҳолининг салкам 740 миң нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, уларнинг 500 миң нафарга яқини муқим иш билан банд. Меҳнат бўлимида 49,2 миң киши ишсиз сифатида рўйхатга олинди, уларнинг ўн миңдан зиёдрогига ишсизлик мақами берилган ва нафақа тайинланган. Агар бу рақамларни ўзаро кўрсангиз — ораликдаги фарқ салкам икки юз миң киши муқим иш билан банд эмаслиги равшан бўлади.

Тўғри, виллоят маркази ҳамда туман марказларида иш билан банд қилишлар сони хийла кўпроқ, негаки, бу ерларда давлат ва акционерлик кўринишидаги турли корхона — ташкилотлар мавжуд. Аксар тадбиркорлик ўчоқлари ҳамда бозорлар асосан марказларда.

Хўш, қишлоқларда аҳвол қандай?

«Қўшқўпир туманидаги «Қаттагон» қишлоғи туман марказига беш, виллоят марказига йигирма километрлик масофада жойлашган. 2800 нафар ишга яроқли одам бор. Қишлоқ фуқаролар йиғини тақдим қилган маълумотларга эътибор беринг: 287 нафар ишсиз бўлиб, тақдим бор-йўғи 49 нафари меҳнат биржасида рўйхатга олинган. Хўдуддаги «Хоразм» ширкат хўжалиги 700 гектардан зиёдрок ерда деҳқончилик қилмоқда. Қишлоқ хўжалигида 1054 нафар одам банд. Қишлоқда фаолият кўрсатаётган 31 та фермер хўжалигида эса 126 одам меҳнат қилади. Фермерлар деҳқончилиги 318 гектар ерда. Демак, тармоқда ҳар бир деҳқонга ўртача ўн гектар атрофида ер тўғри келади. Ширкат хўжалигида эса...

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Комил Худойбергановнинг фикрича:

«Қишлоғимизнинг шаҳарлардан йироқлиги кўпчилигининг ўша ерларга қатнаб ишлашларига тўсқинлик қилади. Негаки, бу йўналишда Урганч шаҳрига мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилмаган. Шундай бўлса-да, шаҳардаги қурилиш ташкилотларида икки юз нафарга яқин қишлоқдошларимиз қатнаб ишлашмоқда. 26 нафар хотин-қизлар эса Урганч шаҳридаги тикувчилик ва ипакчилик корхоналарида иш билан банд. Қатнов қийинлиги ҳамда мунтазам иш йўлининг ағирлиги фуқароларимизнинг бошқа хўдудларга иш излаб кетишга тўсқинлик қилмоқда. Масалан, биздан 60 нафардан зиёд одам қаерлардан иш излаб юришибди...»

Оқсоқолдан қишлоқнинг ўзига сўнгги йилларда очилган иш ўринлари хусусида сўрадик. У

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИРОҚ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ

АҚШ ва Буюк Британия томонидан тақлиф этилаётган Ироққа доир янги резолюция бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари яқдил келишувга эришдилар, дея хабар беради BBC News.

Мазкур резолюция уч марта қайта тайёрланди. Франция талабидан сўнг ўзгартириш киритилган вариантда Ироқ муваққат ҳукуматининг халқаро ҳарбий контингент ўтказадиган операцияларни назорат қилиш ваколатлари анча аниқлаштирилган. Янги Ироқдаги кўпмиллатли ҳарбий контингент кўмондонлиги бирор-бир йирик операция ўтказиш олдидан муваққат ҳукумат билан маслаҳатлашиши шарт қилиб белгиланди. Резолюция лойиҳасининг аввалги вариантда эса ўтказилажак операция борасида бош вазирни шунчаки хабардор қилиб қўйиш назарда тутилган эди.

Резолюциянинг янги лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга кўйилди ва у қабул қилинди.

Ироққа доир янгиликлардан яна бири шуки, мамлакат Президенти Қози Аил ал-Явер бошчилигидаги делегация АҚШнинг Жоржия штатидаги Си-Айленд оролида бўлаётган «катта саккизлик» саммитида иштирок этмоқда. Янги ҳукумат аъзоларидан таркиб топган делегация Ироқ қарзини қисқартириш масаласида музокара олиб бормоқчи.



ҒАЗО ЧЕГАРАСИДА МИСР ҚЎШИНИ

1979 йили Миср ва Исроил ўртасида Кемп-Дэвид битимим имзоланган эди. Қуни кеча Миср ва Исроил айни шу битим юзасидан янги протокол имзоладилар. Эндилкида Ғазо сектори чегарасига Миср қўшинини жойлаштиришга рўхсат этилади. Бу ҳақда «Элаф» электрон газетасига Мисрнинг Тел-Авивдаги собиқ элчиси Муҳаммад Басюни маълум қилди.

Аслида Кемп-Дэвид битимига кўра, Миср Ғазо сектори чегарасига ҳарбий қўшин жойлаштиришга рўхсат этилган. Бироқ Ғазо секторини исроилликлар тарқ этгач, бу ерда Миср чегарачилари пайдо бўлди.

Гап шундаки, Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалом душанба кuni Қоҳирага қилган ташрифи чоғида юз нафар Миср чегарачисини Ғазо сектори чегарасига жойлаштириш масаласида келишиб олди. Кейинчалик чегарачилар миң нафарга етказилди. Исроил Ғазо секторидан чиқиб кетишни бошлагач, хавфсизлик масалалари бўйича икки томонлама кўнра тўзилди.

«Элаф» газетасида таъкидланишича, 1979 йил 26 мартда Кемп-Дэвид битимига эришилгандан сўнг шу даврга қадар ушбу битим шартларига риоя этилмаётгани ҳақида Исроил томонидан 3750 марта норозилик билдирилган бўлса, Миср томонидан 1940 марта эътироз билдирилган.

«КАТТА САККИЗЛИК» САММИТИ

Саммит расмий равишда 8 июндан бошланди. Лекин кечки оғат пайтидагина «саккизлик» етакчилари бир-бирлари билан учрашдилар. Негаки, кундузи Президентлар ва бош вазирлар аёллари билан Си-Айленд оролига етиб келиш ва жойлашиш сингари ташкилий ишлар билан машғул бўлидилар.

Давлат бошлиқлари самолётларда Саванна шаҳри яқинидаги АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Хантер базасига келдилар. У ердан эса вертолётларда Си-Айлендга етиб олишди.

Саммитнинг асосий иш кuni 9 июндан бошланди. Саммитда бешта ишчи сессиясини ўтказиш мўлжалланган. Уларда Америка ташаббусига кўра, «Катта Яқин Шарқ» масаласи, хавфсизлик ва ядро технологиясини тарқатмаслик муаммолари, юқори технология тарқиқети, ривожланаётган давлатларга кўмак бериш масалалари муҳокама этилмоқда.

Қисқаси, ўндан ортиқ ҳужжат қабул қилиниши кўтилмоқда. Улардан асосийси кашшоқликка қарши кураш борасида қабул

қилинадиган тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатдир. Муҳожир ишчилар уларни ишлаб топган маблағларини ўз ватанларига жўнатишни соддалаштириш унда асосий масала қилиб қўйилган. Бу ривожланаётган давлатлар учун катта кўмақдир.

Бундан ташқари хавфсиз ва расмийлаштирилиши энгиллаштирилган туризмни ривожлантириш (аввало «саккизлик» давлатларида, сўнг бошқа мамлакатларда ягона стандартларни жорий этиш), тинчлик йўлидаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, Африка минтақасида очарчиликни бартараф этиш, коррупцияга қарши кураш борасида ҳам ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, саммит иштирокчилари СПИДга қарши вакцина ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқот маркази тармоғини яратиб буйича режа. Ер юзиде полиомиелит бутунлай тугатилганлиги тўғрисида мажбурият қабул қиладилар.

Ядро қуроли ва радиоактив материаллар тарқалишига қарши ҳаракат дастури давлат бошлиқлари эътиборига хавола этилади.

Саммит ишида «катта саккизлик» — АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Канада ва Япония давлатлари етакчиларидан ташқари Жазоир, Афғонистон, Бахрайн, Иордания, Кувейт, Ироқ, Яман, Гана, Нигерия, Сенегал, Уганда, Жанубий Африка Республикаси раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар ҳам иштирок этмоқда.

Шу ўринда саммит бўлиб ўтаётган Си-Айленд ороли ҳақида қисқача тўхталасак. Мазкур орол хусусий бўлиб, худуди 8 квадрат ми́л атрофида. Дунё бўйича ўта қиммат куорт-орол ҳисобланади. Ҳатто чўнтаги бақувватлар ҳам бу ерга ўйлаб келадилар. Шунинг учун саммитга тақлиф этилган Яқин Шарқ ва Африка давлатлари бошлиқлари бу ерга бир неча соатгагина ташриф буюрадилар, яъни ўз худудларига тегишли масала кўтарилган пайтда, дея хабар беради «Ню-Вост» агентлиги.

ФУҚАРОЛИК — ФАХР, ИФТИХОР

ФУҚАРОЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДУНЁ ТАЖРИБАСИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА

Фуқаролик шахннинг давлат билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилувчи ҳуқуқий алоқа ҳисобланади. Чунки демократик-ҳуқуқий давлатда айнан фуқароликка шахсга давлат бошқарувида қатнашиш ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини беради. Бу тушунча ўз навбатида шахс ва давлатнинг ўзаро масъулиятини ифодалайди. Яъни фуқаро қонунда назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади ва тегишли мажбуриятларни ҳам олади. Давлат ҳам ўз навбатида фуқаронинг ҳуқуқларини таъминлайди.

Фуқароликка эга бўлиш асосларини эса ҳар бир давлат ўз суверенитетидан келиб чиққан ҳолда қонуний тартибга солади. Фуқароликка эга бўлишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- филиация (туғилиш асосида) йўли билан;
- натурализация (фуқароликка қабул қилиш) йўли билан;
- халқаро шартнома асосида;
- реинтеграция (қайта тиклаш);
- тақдим этиш йўли билан.

Филиация, яъни туғилиш асосида фуқароликка эга бўлиш кенг тарқалган усулдир. Кўп кишилар туғилиши билан фуқароликни қабул қилиб оладилар ва бутун умри давомида уни ўзгартирмайдилар. Филиация икки принципти: «қон ҳуқуқи» ва «тупроқ ҳуқуқи» асосида унинг ота-онанинг фуқаролиги билан боғлиқ. Яъни бола қаерда туғилганидан катъи назар, у туғилган пайтда ота-онани қайси давлат фуқароси бўлса, фарзанд ҳам шу давлат фуқаролигини олади. Ўзбекистон Республикаси шу принципга амал қилади. Бу «қон ҳуқуқи».

«Тупроқ ҳуқуқи» принципида эса фуқаролик боланинг туғилган жойи билан белгиланади ва у ота-онанинг фуқаролиги билан боғлиқ эмас. Бу принцип қўллаб Лотин Америкаси давлатларида амалда. Хорижда туғилган дипломат ва консулларнинг болаларига нисбатан эса бу принцип амал қилмайди.

Натурализация умуман фуқаролиги бўлмаган ёки бошқа давлат фуқароси бўлган шахс томонидан фуқаролик олинади. Натурализация тартибиде қуйидаги ҳолларда фуқаролик қабул қилинади:

1. Фуқаролиги бўлмаган ёки фуқаролигини қўзғатирмоқчи бўлган шахс сўровномасига асосан;
2. Фуқаронинг бошқа давлат фуқароси билан никоҳдан ўтиш асосида;
3. Фуқаролиги бўлмаган ёки бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш асосида.

Бунда баъзи мамлакатлар қонунчилигида чеклаш ва шартлар ҳам мавжуд. Масалан, қуйидаги шартлар бажарилгандан сўнг натурализация асосида фуқаролик берилиши мумкин: маълум муддат яшайдиган сўнг (АҚШ да 5 йил, Испанияда 10 йил), маълум бир ёшга етгандан сўнг (18 ёшга тўлгандан сўнг АҚШ), шу давлат тилини билиш, давлатга содиқлик тўғрисида қасамёд қилиш. Агар аёл бошқа давлат фуқаросига турмушга чиқса, хоҳласа ўз фуқаролигини сақлаб қолади ёки бўлмаса натурализация асосида эрининг фуқаролигини қабул қилади.


Учинчи усул — халқаро шартномалар асосида фуқароликка эга бўлиш. Бу кўпича худудий келишувлар пайтида намоён бўлади. Масалан, бир неча давлатларнинг бир давлатга бирлашиши ёки аксинча, бир давлатнинг парчаланиши натижасида бир неча давлатларнинг пайдо бўлиши, бир қисм худуднинг бир давлатдан бошқа давлат тасарруфига ўтиши. Бундай худудий ўзгаришлар вақтида шахс фуқаролигини танлаши (оптация) мумкин.

Рейнтеграция, яъни дастлабки фуқароликни тиклаш. Бу усул амалиётда ҳам учрайди. Ресуртеграция фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қонуний қарорни бекор қилиш ҳолларида бўлиши мумкин.

Тақдим этиш йўли эса давлат олдидеги қўрсатган алоҳида кизматлари учун фуқаролик берилишидир.

Фуқаролик — шахннинг субъектив ҳуқуқи. Фуқаролик шахннинг ҳам давлат ичидеги, ҳам унинг ташқириндаги халқаро муносабатлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ҳолатига таъсир этади. Шундай экан, фуқароликни ҳар бир инсон муқаддас деб билимоғи лозим.

Сарвар СОЛИЕВ,
ТДЮИ талабаси



Вена шаҳри кўриниши.

42 ЁШДА 4 ЧАҚАЛОҚ

Иорданияда яшовчи 42 ёшли она бирданги 4 нафар эгизакни дунёга келтирди, дея хабар беради Саудия Арабистонининг СПА ахборот агентлиги.

Шифокорларнинг айтишича, бундай воқеа ўта ноёб ҳисобланади, негаки, она туғиш ёшидан анча ўтиб қолган. Бироқ шундай бўлса-да, икки ўғил, икки қиз соғлом туғилди (операция йўли билан туғдирилди).

Чақалоқларнинг оғирлиги 2-2,5 килодан.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМА МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2004 йил 15,22 июль кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдога қуйидаги объект қўйилади: Фарғона шаҳрида жойлашган 2-сонли автомобилларга ёниги қўйиш шаҳобчаси (2-АКШ).

Бошланғич баҳоси — 173 285,4 АҚШ доллари.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичдан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули: «Kim oshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйжойжамғарма банк Тошкент шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000404265383001, КОД-00425, СТРН 204563716 ўтказилади.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берман!

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчма мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишнигиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 8-хона.

Маълумот учун телефонлар: 136-28-75, 133-25-21, **Факс:** 136-06-17

www.rkmb.uz

МАТБУОТ САЙЁҲЛИГИ

Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон ОАВ ходимлари учун Тошкент шаҳри бўйлаб матбуот сайёҳлиги тадбирини ўтказди. Ундан қўзланган мақсад, Ўзбекистон олий бораётган бугунги фаолиятида мамлакатимиздаги турли ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисида журналистларни яқинроқ таништириш. Журналистлар савҳат давомида биринчи республика тиббиёт коллежи, Ўзбекистон ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаси (Ўзбекистонда ВИЧ/СПИДнинг олдини олиш 2004-2005), Қарлар жамияти ва жаноб Секонинг кўзи оғизлар мақтабидеги фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, журналистлар ўзбек-иран маркази фаолияти билан ҳам қизиқдилар. Журналистлар ўртасида Ўзбекистон фаолияти тўғрисида бўлиб ўтган викторина қизиқарилиб, голибларга муқофотлар топширилди. Тадбир якуни журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

Робина ХУДОЙБЕРДИЕВА

Футбол

ЎЗБЕКИСТОН — ФАЛАСТИН 3:0

Кеча 2006 йили бўладиган жаҳон чемпионатининг дастлабки саралаш босқичи гуруҳ баҳсларида Ўзбекистон ва Фаластин миллий терма жамоалари майдонга тушди.

Фаластин терма жамоаси Чили, Греция, АҚШ ва бошқа мамлакатлардан легионерларни жалб этиб, Мисрда машгʻуллар ўтаб қайтди.

Учрашувдан олдин мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам ўзбекистонликлар галаба қилади, дея тахмин қилишганди.

Бош мураббий вазифасига австриялик Альфред Ридлнинг жалб этилиши Фаластинда футболга катта эътибор берилганлигини далолат бериб турибди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ Ўзбекистон терма жамоаси ўйинида аниқлик, ҳужумкорлик кўзга ташлана бошлади.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ Ўзбекистон терма жамоаси ўйинида аниқлик, ҳужумкорлик кўзга ташлана бошлади.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ Ўзбекистон терма жамоаси ўйинида аниқлик, ҳужумкорлик кўзга ташлана бошлади.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ Ўзбекистон терма жамоаси ўйинида аниқлик, ҳужумкорлик кўзга ташлана бошлади.

Анвар САМАДОВ

Эски Олимпиада ўйинлари дастуридан от спорти турини чиқариб ташлаш масаласи юзасидан жаҳоннинг обрўли мутахассислари ўртасида ҳозиргача кўп тортшувар бўлиб туради.

Лекин шунга қарамай, йилдан-йилга мамлакатимизда от спорти бўйича республика биринчиликлари ва ҳатто халқаро мусобақалар кўпайиб ўтказилмоқда.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА



Мухаммад АМИН (Ў.А) олган суратлар

кисонда от спортига ҳам эътибор қаратилганлигини далолат беради.

Уттан ҳафта Тошкент отчопарида Болаларни ҳумоа қилиш Халқаро кўнига бағишланган от спорти бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Чавандозлар тўсиқлардан сақраш, от пойгаи ҳама «Кўз қўди» халқ ўйинлари бўйича беллашдилар.

Мухаммад АМИН (Ў.А) олган суратлар



Мухаммад АМИН (Ў.А) олган суратлар

кисонда от спортига ҳам эътибор қаратилганлигини далолат беради.

Уттан ҳафта Тошкент отчопарида Болаларни ҳумоа қилиш Халқаро кўнига бағишланган от спорти бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Чавандозлар тўсиқлардан сақраш, от пойгаи ҳама «Кўз қўди» халқ ўйинлари бўйича беллашдилар.

Отчопаримизда ҳар йили ўнлаб мусобақалар ўтказилиши режалаштирилганми, — дейди Тошкент отчопари ОАЖ бошқаруви раиси Шайхали Алашов.

Келгуси ойларида Афина олимпиадасига, Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланган турнирлари ўтказилмоқда.

От спорти мухлислари келгусида бу ерда нафақат мусобақаларни томоша қилишди, балки отда сайр қилишлари, маданий ҳордиқ чиқариш ва спортнинг бошқа турлари билан шугулланиш имконига эга бўладилар.

Шу кунги ота-оналари билан мусобақага ташриф буюрган йигирма нафар болага ҳомийлар китоблар, спорт кийимлари ҳада қилишди.

Мухаммад АМИН (Ў.А) олган суратлар

Интер-спорт

ФУТБОЛ БЕЗОРИЛАРИГА ЙЎЛ ЙЎҚ

12 июнда бошланган Европа футбол чемпионати тинч ва оқойишта ўтишини таъминлаш учун жиддий тадбирлар қўрилмоқда.

Маълумки, 1998 йили Францияда ўтказилган жаҳон чемпионати кезлари германиялик безорилар полициячи Даниел Невелни калтаклаб, уни олти ҳафтагача ҳушига келолмайдиган қилиб қўйишган эди.

2000 йилги Европа чемпионатида ҳам немис фанатлари инглиз безорилари билан жангга киришгани ҳаммага аён.

Ана шундай ноҳушликка йўл қўймаслик учун немис полицияси футбол безориларининг Португалияга бориш йўлини бекитишга ҳаракат қилмоқда.

«Биз безориларнинг Португалияга бормасликлари учун барча чораларни қўрамиз, — дейди полиция вакили Франц Шейлен».

ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТЎЙМАС

Апрель ойида Виталий Кличко билан Корри Сандерс учрашуви қандай тугаганлиги мухлисларга аён.

Ушанда Сандерс учрашув олдидан: «Мен энди катта бокс билан хайрлашмоқчиман», деган фикрни айтган эди.

«Виталийга ютказиб қўйганимдан ташвишдаман. Уйлайманки, у билан бўладиган тақририй жанг бошқача ўтади.

Бу учрашувнинг ўтказилиши жуда истардим, — демоқда. — Умид қиламанки, мухлислар ҳам бундай учрашувни яна кўришни истайдилар».

Аммо НВО раҳбарлари Сандерснинг истаганини баҳо келтиришармикан? Балки, улар Виталий ўрнига унинг ўқасини рўбарў қилишар. Виталий эса: «Сандерс билан учрашув мен учун ўтилган босқич. Энди жаҳон чемпиони билан жанг қилишга шайланман», демоқда.

ҚАДРДОН ЖАМОАГА ҚАЙТДИ

Италиялик мураббий Клаудио Раньери яна қадрдон жамоа — Испаниянинг «Валенсия» клубига қайтди.

Маълумки, у Чукотка губернатори Роман Абрамович томонидан Лондоннинг «Челси» клубига олинган эди.

«Челси»дан ҳайдалган Клаудио бир вақтлар «Валенсия»ни чемпионлар лигасига олиб чиққан эди.

«Яна «Валенсия» клубида мураббийлик қилишимдан мамнунман, — дейди Клаудио. — Бу мен учун уйга қайтиш билан баробар. Уйлайманки, бу жамоада ишларим янада юришади».

В соответствии с Постановлением Правительства Республики Узбекистан, «О приватизации объектов соцульктыбта системы ГАЗ «Узбекэнерго», Ташкентская ТЭС объявляет о продаже Дворца культуры «Энергетик», находящегося по адресу: г.Ташкент, Юнусабдский район, микрорайон ТашТЭС (напротив Агроуниверситета).

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbergen QAIYBERGENOV, Abdug'ani MAMASODIQOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifot, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000. TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, OTCRYTOE AKCIONEPHOE OBYECTBO «KURILISHTRANS», PROBOДИT BHEOЧEPEDHOE, OBYEЧEE COБPAHИE AKCIONEPOB, 9 июля 2004 г. в 7.00 по адресу: г.Ташкент, ул.Дружбы Народов, 57. ПОВЕСТКА ДНЯ: 1. О составе Наблюдательно-го совета ОАО «Курилиштранс» 2. Об изменении в Учредительных документах ОАО «Курилиштранс» 3. Разное.

Орамиздаги одамлар

Бу думалоқ осмон остида ким кўп-ёзувчи кўп, оқ қозон қоралаб, шон-шухрат ортираман, деб юрганлар кўп.

Шу билан бирга бу кўҳна, ўткинчи дунёда худонинг берган неъматига қаноат қилиб, яхшиларга ёндошиб, ўз ҳалол меҳнати эвазига умр кечириб келадиган, кўнгли очик, пок ниятли аҳли диллар ҳам оз эмас.

Шундайлардан бири ул-

ла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода каби устозлардаги бағрикенгликни Носир акада ҳам кўриш мумкин.

У киши балан деб эшикларга бош урмади. Носир аканинг эшигини тақиллатиб келувчилар, асосан ижод аҳли, вилотлардан орттирган шоғирдлар, қозоғу, қирғизу қоракалпоқ элининг қалам эгалари... Шу ерда мен бир нарсга ало-

Маънавийлик

Омад эканми, бир неча марта ўзбек ёзувчилари делегацияси таркибига Қозоғистонда бўлдим. Қайда бўлмайлик — Астанадами, Алмати ё Чимкентдами-ей, ўзимизнинг Насеке келибди гўй, деб Носир акага қучоқ очиб чиққан таниқли адибларни, қозоқ маданиятининг арбобларини кўриб, ич-ичимдан севинганман.

Тилига кўпроқ асал, озроқ қалампир боғлаб олган ана шу Носир оғамиз бугун адабиётимиз оқсоқоллари орасида ўзининг ажойиб фазилатлари билан ажралиб турибди.

Ўзининг табарруқ 75 ёшини ҳам фаол ижодий ўқтамлик билан қутиб олган устоз ҳаёти ёш қалам соҳиблари учун ибрат мактабидир. Чорак кам бир асрлик сермазмон, сермашақат, ибратли, ҳавас қилгулик умр. Бу умрнинг йигирма беш йили илм олишга кетган бўлса, роппароса эллик қилган бўларди — ижодий захмат, ҳаёб, изланиш, топқирлик, илҳом, кашфиёт ва ҳолиси хизмат қилишга сарфланди. Оқ қозоғ билан яқма-яқма мулоқот самараси ўлароқ ўнлаб китоблар битилди, юзлаб ҳикоялар, мақола ва эсдаликлар ёзилди.

Носир ака Олло таоло ато этган илоҳий неъматни беҳуда харж қилмади, буюк устози Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфламади. Асарлари билан эл кўнглига ёруғлик элтиди, ёшларни эзуликка чорлади, улғу алломалар ҳақидаги эсдаликлари ва хангомалари билан ўша алломалар ҳаётини қалбимизда муҳраб қолдирди. Носир Фозиллов деган камтарини, тиним билмас-уринқоқ, ҳалол ёзувчидан ўқувчилар шунинг учун миннатдор.

Носир аканинг қозоқ ёзувчилари орасида хурматини, унинг қозоқлар юртидаги обрўсини неча бор кузатганман.

Саъдулла СИЕЕВ

ЯХШИЛИК РАҲНАМОСИ

қан ёзувчи Носир Фозилловдир.

Носир акани таниганимга қирқ йилдан ошди. Радиода ишлардим. Битта-яримта ҳикоя машқ қилиб юрардим.

У киши радиодан бир ҳикоями эшитиб қолибди. Суриштириб, мени топтирди. Носир ака «Шарқ юлдузи» журналида ишлар экан. Бордим. Икки оғиз гаплашди. Қардансиз, қаерда ўқигансиз қабилида. Сўнг ҳикоями мактади. Айниқса, тили маъқул эмиш. Хуллас, Носир аканинг хайрихоҳлиги туфайли «Шарқ юлдузи»да бир йўла иккита ҳикоям босилиб чиқди.

... Тўғри, у киши қўлимга қалам тутказиб, мана бундай ёз, деб ўргатгани йўқ. Аммо катта йўл бошида, қайга борсам экан, деб иккиланиб турган одамга бир йўл кўрсатувчи одам керак бўлар экан. Шу маънода у кишини яхшилик раҳнамоси, дегим келди.

Носир аканинг беғараз кўмаги туфайли китоблари чиққан ёки қоқилмай-урилмай адабиёт оламига кирган кўпгина ёшларни санаб бера оламан. Ойбек домла, Абдул-

ҳада эътиборингизни тортмоқчиман. Носир аканинг биттагина расмий унвони бор: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саныат арбоби. Норасмий унвонлари эса, бир талай: насеке, сарбола, қозоқнинг ўзбеки, ўзбекининг қозоғи, олтин кўприк. Охириги лақаб Носир аканинг сариқдан келганига ишора эмас. Бу Носир Фозиллов отлик забардаст ёзувчининг ўзбек-қозоқ адабиётини чамбарчас боғлаб турганлиги учун берилган шарафли унвон. Ҳа, қозоқ адабиётини ўзбекларга таништиришда Носир акадек кўп ва хўп хизмат қилган ёзувчи бизда йўқ, десам муболага бўлмас. Тасодифан бир рўйхатга кўзим тушиб қолди. Унда Носир Фозиллов асарларини ўзбекчага ўғирган қозоқ адиблари бор эди. Улар орасида Абай, Фаби Мусрепов, Мухтор Аевзов, Собит Мукнонов, Абдулла Тожиев каби гигантларнинг номлари яқинраб турарди.

Носир аканинг қозоқ ёзувчилари орасида хурматини, унинг қозоқлар юртидаги обрўсини неча бор кузатганман.

Саъдулла СИЕЕВ

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИАТИ ҚўШИМА ҚОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН «Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлаган совуқ ва иссиқ суя, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитинглари сотади. Товар сертификатланган. Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63 факс: 134-78-49. Email: jvsilkroad@inbox.ru

Ҳикоятли сўзлар маъноси ОТ АЯГАН — ЕРГА ҚАРАП, ҚУШ АЯГАН — ҚЎККА ҚАРАП. Бу билан: «Бир одам бир одамдан: «Отингизни бериб турсангиз, фалон жойга бориб келсан» деб илтимос қилиб борса, эгаси бироз орғинади, отини аяб, неча томонни мулоҳаза қилади, «бориб келадиган жойи лойми, ботқоқми, сирганчиқми, қирлиқми, сойлиқми...» деган ҳаёлларга бориб, ерга бир қараб олади-да, кейин «майли» ё «йўқ» деб жавоб беради. Ов қушини бериб туришни сўраб борган одамга ҳам эгаси шу аллоҳда иш тутади: «Ҳаво қандай экан, шамолми, бўронми, қорми, ёмғирми» деган ҳаёлга бориб, қўкка бир қараб олади-да, кейин «ҳа» ё «йўқ» дейди, бергиси келмаса, бирор нарсани баҳона қилиб қўя қолади. Ҳар кимга ҳам ўз нарсаси қадрли, аёвли бўлади. Шунинг учун сен аввало бировдан бирор нарса сўраб борма, ўзинга керакли нарсани ўзинг топишга, имкони борича ўзинг эга бўлишга ҳаракат қил», деган маънода насихат қилади.

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРҚОРЛАР! KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'SHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» масъулияти чекланган жамияти. Ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларига тақлиф қилади. Биржа савдоларига қуйилган объект қўйилади: Тошкент шаҳар, Миробол тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй манзилгоҳида жойлашган «ТЕХМАИШНУЛОЙИХА» масъулияти чекланган жамиятининг 25 фондилик давлат улуши. Бошлангич нарх — 889 800 сўм. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодиний кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ДУҲБЭ ҚИММЪЛИКИ? АДБАБИЯТ, БОЛАЛАР ҲУКИМИ

Шоир ушбу битикларида ўтмиш сабоқлари, бугунги кун шукронаси, келажак умидларини қаламга олади.

ЎТМИШ БУГУН

Болаларга беролмадик дунёни, Берганимиз танбех бўлди улларга. Панжаралар билан тўсиб ҳар ёнин — Қўрғон қуриб бердик ўйнаб — қуларга.

Ва ўқтирдик: ушбу майдон сеники, Сенинг учун ундаги бор барисин. Қолмагайсан бунда асло зерикиб, Уйинчоқлар бир-биридан гаройиб!

Панжарадан ташқи олам — бизники, Кураш борар, унда ўйин кетмайди. Ур-сур, йиқит давом этар уззукун, Сабабини сўрма, ақлинг етмайди!

Тинглай туриб, ўйлаб қолар болалар, Қўларига савол тўла боқади. Панжарадан бўйлаб қолар болалар, Теваарқда гала-ғоғур оқади.

Оёғига ўрмалайди қумурсқа, Ҳудди қамал бошланмоқда ҳар ёқдан. Жавдирайди тушган каби ҳибса, Тусиларини тўтиб жезажжи бармоқлар.

Бирок, афсус, кўзимизнинг ўнгиди, Намоёндир шундай ноҳақ манзара: Болаларга эрк ва меҳр ўрнига, Ўртамизда турар совуқ панжара.

Келинг, энди биз ҳам яқин ўтмишини — Ўз болалик чоғимизни ёдласак. Уддалашга уринардик кўп ишини, Қўварандик тўсиқлардан ҳатласак.

Демак, хурлик иштиёқи қонда бор, Ҳатто гўдак қўлатсам, дер бешиқни. Кексами — ёш, жами тирик жонда бор, Мустақиллик очиб ташлар эшиқни!

Минг шукурки, Ҳақ назари тушдимми, Озод бўлди ватанимиз, халқимиз. Бирдамликка йўйинг гўдак муштини. Чин давлатни тингламоққа ҳаққимиз!

КЕЛАЖАК Болаларнинг ҳақдир кўнгли туғғени, Тусиқларсиз тушиб олсин йўлига. Нозим ога айтган каби «... дунёни — Топширайлик болаларнинг қўлига!»

Ватанига эгалиқни ҳис қилиб, Иштиқолога жонин фидо айласин. Бу дунёни қўлимиздан бир кунни, Абадийга олишсинқим, бермасин!

Ориф ТЎХТАШ

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРҚОРЛАР! KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'SHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» масъулияти чекланган жамияти. Ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларига тақлиф қилади. Биржа савдоларига қуйилган объект қўйилади: Тошкент шаҳар, Миробол тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй манзилгоҳида жойлашган «ТЕХМАИШНУЛОЙИХА» масъулияти чекланган жамиятининг 25 фондилик давлат улуши. Бошлангич нарх — 889 800 сўм. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодиний кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАСИ 2004 йилининг 14 май куни ўтказилган аукцион савдосида: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг давлат рақами 10 АР 025 бўлган «ВАЗ-2107» русумли автотранспорт воситаси 850 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади. ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «КУРИЛИШТРАНС» ПРОВОДИТ ВНЕОЧЕРЕДНОЕ ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ 9 июля 2004 г. в 7.00 по адресу: г.Ташкент, ул.Дружбы Народов, 57. ПОВЕСТКА ДНЯ: 1. О составе Наблюдательно-го совета ОАО «Курилиштранс» 2. Об изменении в Учредительных документах ОАО «Курилиштранс» 3. Разное.